

# МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Хамракулова Марғуба Мухаммадовна**

ЧДПУ ва А.А.Кулешов номидаги

МДУ нинг ҚТД бўйича 1-босқич магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида халқ педагогикаси ўқув предмети асосида бўлажак ўқитувчиларда миллий дунёқарашни такомиллаштириш, миллий маънавий-ахлоқий тарбия тушунчасини киритиш масаласи баён этилган.

**Калит сўзлар:** дунёқараш, шахс, миллий дунёқараш, халқ педагогикаси, миллий маънавий-ахлоқий тарбия, миллий -ахлоқий маданият, маънавият, эътиқод.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается проблема совершенствования национального мировоззрения будущих учителей на основе предмета народной педагогики в высшей школе, внедрения концепции национального духовно-нравственного воспитания.

**Ключевые слова:** мировоззрение, личность, национальное мировоззрение, народная педагогика, национальное духовно-нравственное воспитание, национальная нравственная культура, духовность, вера.

**Annotation.** This article discusses the problem of improving the national worldview of future teachers on the basis of the subject of public pedagogy in higher education, introducing the concept of national spiritual and moral education.

**Key words:** worldview, personality, national worldview, folk pedagogy, national spiritual and moral education, national moral culture, spirituality, faith.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг

замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда олий таълим муассасаларида халқ педагогикаси ўқув предмети асосида бўлажак ўқитувчиларда миллий дунёқарашни такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Дунёқараш – таълим олувчиларнинг дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими шунингдек, бу қарашларга асосланган эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари деб изоҳланади.

Шундай экан, миллий дунёқараш - Ўзбекистонда яшаб, фаолият курсатаётган барча миллат вакилларига тегишли булиб, уни Ўзбекистондаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакиллари мамлакатимизда Озод ва обод Ватан барпо этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, олийжаноб мақсадларни кузлаш каби умуминсоний тамоилларга айланган ғоялари, қарашлари ва тасаввурлари тизимидир.

Миллий дунёқараш, касбий фаолиятда интизомлилик, диққатни бир жойга қўя билиш, эҳтиёткор, мураккаб вазиятларда қатъиятлилик, ўз билим ва кўникмаларини доимий такомиллаштиришга интилишни талаб этади. Миллий дунёқарашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъектларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шунингдек, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масъулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Шахсда миллий дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади.

Талабаларда миллий дунёқарашининг шаклланишида таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин

тутади. Шахсинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндошувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган кадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган миллий дунёқараш мазмунини ифодалайди.

Ўз навбатида дунёқарашнинг бойиб бориши шахсинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради. Шу сабабли, ҳар томонлама юксак тафаккурга эга бўлган кадрларни, жумладан ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида уларнинг миллий дунёқарашини халқ педагогикаси ўқув предмети асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Дунёқараш ўз моҳиятига кўра, илмий (муайян фалсафий тизимга эга) ва оддий (муайян фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқараш тарзида фарқланади. Илмий дунёқараш асосида узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлик касб этган ғоялар ётади.

Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб жараён саналади. Дунёқарашлар негизида эътиқод шаклланади. Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши.

Муайян ғояга чексиз ишонч бўлиб, унинг шаклланиши бир неча босқичда кечади. Биринчи босқичда улар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади. Иккинчи босқичда маънавий-ахлоқий қарашларнинг барқарор тамойилларига айланади. Мавжуд талаб, жамият томонидан тан олинган ахлоқий қоидалардан четга чиқиш қийин, зиддиятли вазиятларда онгли ҳаракатни ташкил этиш, иродавий сифатларга таянган ҳолда иш кўриш тақозо этилади. Учинчи босқичда, эътиқод барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади. Талаба томонидан ўзлаштирилган илмий билимлар ҳаётий муносабатлар жараёнида кенг

кўлланилганда, уларнинг асл моҳияти чуқур ҳис қилинган ва анлангандагина эътиқодга айланади.

Педагог-психологларнинг кўрсатишича, шахсда дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида қуйидаги: ақлий тарбия; ахлоқий тарбия; ҳуқуқий ва сиёсий тарбия; эстетик ва бадиий тарбия; экологик тарбия; иқтисодий тарбия; жисмоний тарбия каби тарбия шакллари мавжуд. Биз педагогик илмий ва амалий таҳлиллар натижасига кўра, бугунги кунда янги киритилаётган “Тарбия” ўқув предмети таркибига миллий маънавий-ахлоқий тарбия тушунчасини киритишни таклиф этамиз.

Бунинг учун таълим олувчиларда маънавий-ахлоқий маданият шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

**Маънавий-ахлоқий маданият** – Ўзбекистон халқининг анъаналари, тили ва маданиятини билиш ва ҳурмат қилиш, миллий фахр туйғусини, ўқимишлилик ва ақл заковатлилиги, ахлоқий намуналарининг мавжудлиги ва кундалик ҳаётида уларга ўхшашга интилиши, бўш вақтлардан фойдаланишнинг ижтимоий қимматли усулларида фойдаланишни билиши, ўзининг шахсий салоҳияти устида миллий бойлик сифатида қайғуриш ва бошқалар бўлиб, у хилма-хил муносабатлар жараёнларида билим олиш, ижодий ва меҳнат фаолияти жараёнида намоён бўлади.

**Маънавий-ахлоқий тарбия** – ёш авлодни халқнинг бой миллий-маданий тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиладиган тарбия.

Маънавий-ахлоқий тарбия маънавият ва ахлоқни таркиб топтиришни ўз ичига олади. Маънавият – (арабча – маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва

тушунчалари мажмуидир [3]. Шунингдек, маънавият – кишининг ички, руҳий, ахлоқий қиёфаси тушунчаси бўлиб, маълум бир ахлоқ меъёрлари, маромлари асосида яшаш тарзидир.

Ўрта Осиё халқининг халқининг энг қадимги «Авесто» диний китобининг оғзаки вужудга кела бошлаши натижасида, яъни милоддан 3000 йиллар муқаддам шаклланиб келган ва жаҳондаги бошқа мамлакатларда яшовчи халқлар маънавиятидан фарқлироқ уят, андиша, шарм-ҳаё, ибo, ор-номус, иффат, ғурур, иззат-нафс, кадр, инсонпарварлик, мурувват каби ахлоқ меъёрларига асосланган инсоннинг руҳий, ахлоқий қиёфаси бўлиб, шулар асосида ташкил топган урф-одатлар, миллий анъаналар ва турмуш кечириш тарзи ҳисобланади [1]. Маънавий-ахлоқий тарбия асосида талабаларда миллийдунёқарашни такомиллаштириш самарали бўлиши мумкин.

Жаҳон андозаларига мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан олий таълимнинг барқарор ривожланишига ҳамда уни таъминловчи педагог кадрларни тайёрлаш билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида бу ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар талаби асосида ташкил қилиш орқали амалга ошириш, бўлажак ўқитувчиларда миллий дунёқарашни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Шунингдек, ушбу ҳолат, таълим жараёнини бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш, унга тегишли ўқитиш технологияларни жорий қилиш, таълим мазмунини доимий равишда янгилаб боришга қаратилган методик таъминотни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда замонавий ўқитиш технологиялари билан узвийликда баркамол шахс тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган миллий дунёқарашни ривожлантириш ва уни педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ҳамда уни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади.

## Адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Қадрият – маънавий меросдир // «Маърифат гулшани» г.  
– 12 (77) 2007й. – 7-бет

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини  
янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.  
// Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиликлар сари. – Т.:  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71.

3. Джураев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ғ, Тўрақулов Х.О., Иноятова  
М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар луғати, Тошкент, 2008 йил, -136 Б,  
5-7-бетлар